Музаффар НАИМОВ

# ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ ЖЎРСИЗ ХОР УЧУН



1-ҚИСМ

**Музаффар Наимов**

# *Фольклор қўшиқлари жўрсиз хор учун*

**1 - қисм**

УДК: 786.2
ББК 85.315.3
Н 48
**Наимов, Музаффар.**
Фольклор қўшиқлари жўрсиз хор учун 1 – қисм / Музаффар Наимов; масъул муҳаррир Р.Абдуллаев. – Т.: Муҳаррир, 2012. 32 б.
ББК 85.315.3+85.954.2

Ушбу услубий қўлланма санъат мактаблари, санъат коллежлари, олийгохларнинг мусиқа йўналиши ҳамда ҳаваскор хор жамоалари учун мўлжалланган бўлиб, унда фольклор қўшиқларининг катталар хори, болалар хори учун қайта ишланиб мослаштирилган вариантлари берилган.

*Маъсул муҳаррир:*

*Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,*
*Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор*

*Тақризчилар:*

*Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ,*
*Термиз давлат университети профессори,*

*Халим ШАМСУДДИНОВ,*
*А. С. АН.*
*Термиз санъат коллежи ўқитувчилари*

Ушбу услубий қўлланма Термиз давлат университети Илмий Методик Кенгаш томонидан 2011 йил 14 ноябр (3-сонли Баённома) нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-25-021-5

© "Muharrir" нашриёти
© М.Наимов, 2012.

# КИРИШ

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ хукуматимиз томонидан санъатимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилди.

Рақс, қўшиқ, фольклор йўналишлари баробарида жамоа бўлиб куйлаш, яъни хор жамоаси сифатида, хор жанрини ҳам ривожлантирди ва бу ўз навбатида катта ижодий юксакликка эришди. Бунда мунтазам равишда республикамиз миқёсида ўтказиб келинаётган хор санъати фестиваллари, санъат ва мусиқа мактаблари, санъат, мусиқа ва маданият коллежлари, академик лицейлари, олий таълим муассасалари ўртасидаги кўрик-танловларини мисол келтиришимиз мумкин.

Илк бор турли халқ қўшиқларини хор учун қайта ишлаб мослаштирган буюк санъаткор, композитор Мутаваккил Бурҳоновдир. У биринчилардан бўлиб ўзбек, тожик, эрон, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа халқ қўшиқларини жўрсиз хор учун қайта ишлаб, хор ижроси учун мослаштириб Ўзбекистонда кўп овозли мусиқасига тамал тошини қўйди. Шу туфайли ўзбек хор санъатига асос солди. Кейинчалик истеъдодли хормейстер Ботир Умиджонов бу анъанани давом эттириб ўзбек хор санъати репертуарини янада бойитди. XX асрда халқ қўшиқлари ва мумтоз ашула йўлларини қайта ишлашда композиторларимиздан С.Бобоев, И.Акбаров, Ф.Алимов, устоз-хормейстерларимиздан Ш.Ёрматов, Е.Нечаев, Н.Шарафиева ва бошқалар хор репертуарларини янада бойитишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

"Фольклор қўшиқлари жўрсиз хор учун" деб номланган услубий қўлланма устозлар анъанасини давом эттиришдаги илк ижодий харакатлардир.

Санъат мактаблари, коллежлари ва олийгоҳларининг мусиқа йўналишлари ўқувчи-талабалари хамда хаваскор хор жамоалари учун мўлжалларган ушбу услубий қўлланма фольклор қўшиқларининг кўп овозли кўринишда сайқал бериб қайта ишланган ижод маҳсулидир. Қўшиқлар аралаш ( 4-овозли ) ва болалар ( 2-овозли ) хор жамоалари учун

мослаштирилган. Зеро, бу ишимиз ўқув массасалари хамда хаваскор хор жамоалари репертуарларини янада бойитади деган умиддамиз.

Қўлланмадаги қайта ишлаб мослаштирилган қўшиқлар асосан Сурхон воҳасига хос фольклор қўшиқларидир. Ушбу тўпламга киритилган қўшиқлар Термиз санъат коллежи, Термиз давлат университети хамда санъат мактаблари хор жамоалари томонидан ижро этилиб, тингловчилар хукумига бир неча бор ҳавола этилган.

Тақдим этилган услубий қўлланманинг кейинги қисмлари устида ижодий ишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун хор санъати ихлосмандлари ҳамда мутахассисларимизнинг услубий қўлланма хақидаги фикр мулоҳазаларини самимий кутиб қоламиз.

# Дўрси-дўрси

(ўзбек халқ қўшиғи)




14
ff
Қо - ра у - зум қо - ра - си-дай кўз - ла-ринг-дан ай - ла-най.
О - - - - - - - - ай - ла-най.
18
Қи- зил у - зум қи - зи - ли-дай лаб - ла-ринг-дан ўр - ги-лай
а - - - - - - - ўр - ги-лай
22
Ҳа дўр - си, дўр - си, дўр - си - я ўй - на бў-йинг - ни кўр - син







Занги токнинг танасидай,
Белларингдан айланай.
Янги токнинг навдасидай,
Қўлларингдан айланай.

Нақорат

Дўрси, дўрси деган билан,
Узум шинни бўлмайди.
Шинни, шинни деган билан,
Огиз чучук бўлмайди.

Нақорат

# Уфӯ-жақала.

(ӯзбек ҳалқ кӯшиғи)




13
мӯ - ри - дан ҳам на - ри - дан
ё - ро - ней, ёр, ёр, ё - ро - ней ёр, ёр,
3
17
Ёр, ёр
ff
ё - ро - ней. А - ка - ги - наиг ай - лан - сии,
21
ё - ро - ней
Ко - ки - лим - ни
Ко - ки - линг - ни то - ри - дан,


4
25
то - ри - дан ёр, ёр, ё - ро - ней, ёр, ёр
Ёр ёр ё - ро - ней ёр, ёр
29
ё - ро - ней. У - фў у - фў жа - қа - ла
жа - қа - ла
ё - ро - ней У - фў у - фў жа - қа - ла
жа - қа - ла
33
у - фў. Ёр - ёр ё - ро - ней, ёр - ёр
у - фў. Ёр - ёр ё - ро - ней, ёр - ёр




Том устида беда бор, ёр-ёр, ёроне,
Майдасини элаб ол, ёр-ёр, ёроне.
Шунча барно ичидан, ёр-ёр, ёроне,
Яхшисини танлаб ол, ёр-ёр, ёроне.

Сурхон кўркидир Бойсун, ёр-ёр, ёроне,
Қизлар рўмолин ёйсин, ёр-ёр, ёроне.
Халқимизнинг бахтига, ёр-ёр, ёроне,
Юртбошим омон бўлсин, ёр-ёр, ёроне.

# Ёр-ёр.

(ўзбек ҳалқ қўшиғи)




13
ва - да -
чи ки - зей ёр, ёр. бак, ба - ка, бум,
17
-си - га - ё ту - рол - га - по
ба - ка, ба - ка, бум бак, ба - ка, бум ба - ка, ба - ка, бум бак, ба - ка, бум
21
ва - фо - ли қи - зей ёр, ёр
ба - ка, ба - ка, бум, бак, ба - ка, бум, ва - фо - ли қи - зей


25
Ток - ча да - ги
Бо - ра ст - ган
ёр, ёр.
Бак, ба - ка, бум ба - ка, ба - ка бум,
29
кай - чи - ни
кс - лин - ни
Ток - ча - да - ги кай - чи - ни,
бак, ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум, бак ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум
33
занг бо - сиб - ди - ей, ёр, ёр
ғам бо - сиб - ди - ей, ёр, ёр
занг бо - сиб - ди - ей
ғам бо - сиб - ди - ей
бак, ба - ка бум ба - ка, ба - ка бум, бак, ба - ка бум ба - ка, ба - ка бум


37
ёр,
ёр
Бак, ба - ка, бум
занг бо - сиб ди - ей ёр, ёр
ғам бо - сиб ди - си ёр, ёр
42
f
Ёр, ёр би - лан келин - чак бо - ра ё - тир ёр, ёр, ду - о бе - риб ота - жо - ни
p
Бак ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум бак ба - ка, бум
45
қо - ла - ё - тир ёр, ёр Оқ сут бер - ган о - на - жо - ни
Оқ сут бер - ган
ба - ка, ба - ка, бум бак ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум бак ба - ка бум ба - ка, ба - ка бум


50
Ро - зи бўл - си - ней
О - на - жо - ни
p
Бак ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум бак ба - ка, бум ба - ка, ба - ка, бум


54
f
ёр, ёр
Ро - зи бўл - си - ней ёр ёр
p
Бак ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум ёр, ёр


58
mf
Ке - лин ку - ёв уш - бу кун - дан - о
p
Бак ба - ка бум, ба - ка, ба - ка бум бак ба - ка, бум ба - ка, ба - ка, бум


62
1.
бахт - ли
бўл - син - ней
ёр
Бак ба - ка бум,
ба - ка, ба - ка бум
бак ба - ка, бум
ба - ка, ба - ка, бум
66
2.
p
Бак ба - ка бум,
ба - ка, ба - ка бум
бак ба - ка, бум
бак.

# Ҳай ёр-ёр

(ўзбек халқ қўшиғи)






Эшик олди моҳлоя,
Ҳай ёр-ёр, ўйнайлик.
Барги бошимга соя,
Келгин ёр, ўйнайлик.

Имлаганим билмайсан,
Ҳай ёр-ёр, ўйнайлик.
Қичқириворсам ошкора,
Келгин ёр, ўйнайлик.

# Болалар хори учун

## Суст хотин

(ўзбек халқ қўшиғи)




Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин.
Арпа,буғдой бош тортсин,
Қайвонилар ош тортсин

Нақорат.
Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин.

Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлайлик,
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик.
Кўкламда ўйнаб-кулиб,
Ҳам шўху, ҳам зўр бўлайлик.

Нақорат.

# Турна келди

(ўзбек халқ қўшиғи)




Турна десам, турумли
Кенталага кўнимли.
Турналар учса пастлаб,
Рисқинг келар унумли.
Арғамчи, гиламчи.

Турна ўзи қурумли,
Усти қора бўйни оқ.
Турна учса баландлаб
Йил келади қурумсоқ.
Арғамчи, гиламчи.

Турна-тилло тарози,
Оби ҳавога қози.
Турна учса юртингга,
Салқин келади ёзи.
Арғамчи, гиламчи.

# Лола сайли

(ўзбек халқ қўшиғи)

Ўртача




Сайлимиз шўх бўлсин,
Дарду алам йўқ бўлсин.
Сен қип-қизил яшнагин,
Оқ кўнгиллар тўқ бўлсин.

Нақорат

Юр сайилга борайлик,
Лолаларни кўрайлик
Кучоғимиз тўлдириб.
Лола гуллар терайлик.

Нақорат

# Ковушим

(ўзбек халқ қўшиғи)






Ковушимнинг чарими,
Ҳукизнинг ўртан белидан.
Йиртилиб ёрилиши,
Иссиқ совуқнинг заҳмидан.

Нақорат

# Майда

(ўзбек халқ қўшиғи)






Қайириб, қайириб босгина, майдаё, майда,
Қолмасин, ўтсин жонивор, майдаё, майда.
Ўралиб, ўралиб босгина, майдаё, майда.
Ўралар тўлсин жонивор майдаё, майда.

Нақорат
Хўп майда, майда, майда, майдаё, майда,
Сомони сенга фойда, майдаё, майда.

Сени энанг буюрди, майдаё, майда.
Сувдана бурнинг жийирди майдаё, майда.
Сени майдага қўшсин деб, майдаё, майда
Бобой деҳқон буюрди майдаё, майда.

Нақорат

# Ўроқчилар қўшиғи

(ўзбек халқ қўшиғи)




Ўроқчилар бор бўлсин,
Бахил нонга зор бўлсин.
Ғайрат қилинг, жўраларсй,
Бобо деҳқон ёр бўлсин.

Нақорат

Боғлаб босгин чанага,
Қолдирмагин далага.
Сомонни тўк қўрага,
Донини тўк ўрага.

Нақорат

# Дўрси-дўрси

( ўзбек халқ қўшиғи)






Нақорат
Ҳа, дўрси, дўрси, дўрси-я,
Ўйна, бўйингни кўрсин.
Ҳа, дўрси, дўрси, дўрси-я
Айлан белингни кўрсин.

Қора узум қорасидай
Кўзларингдан айланай.
Қизил узум қизилидай
Лабларингдан ўргилай.

Нақорат

Занги токнинг танасидай,
Белларингдан айланай.
Янги токнинг навдасидай
Қўлларингдан ўргилай.

Нақорат

# МУНДАРИЖА

**КИРИШ**.....................................................................................................3

*Аралаш хор учун*

1.Дўрси-дўрси ( Ўзбек халқ қўшиғи )..................................................... 5

2.Уфў-жақала ( Ўзбек халқ қўшиғи )..................................................... 8

3.Ёр-ёр ( Ўзбек халқ қўшиғи )..............................................................12

4.Ҳай ёр-ёр ( Ўзбек халқ қўшиғи )........................................................18

*Болалар хори учун*

5. Суст хотин ( Ўзбек халқ қўшиғи )...................................................... 20

6. Турна келди ( Ўзбек халқ қўшиғи )..................................................... 21

7. Лола сайли ( Ўзбек халқ қўшиғи )......................................................22

8. Ковушим ( Ўзбек халқ қўшиғи )..........................................................23

9. Майда ( Ўзбек халқ қўшиғи )..............................................................25

10. Ўроқчилар қўшиғи ( Ўзбек халқ қўшиғи )......................................... 27

11. Дўрси-дўрси ( Ўзбек халқ қўшиғи )..................................................28

Музаффар Наимов

# ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ
# ЖЎРСИЗ ХОР УЧУН
# 1 - ҚИСМ

Техник муҳаррир:
Карим Бердиев

Рассом:
Музаффар Тошпўлатов

Дизайнер-саҳифаловчи
Алишер Шамаҳмудов

Теришга 2011 йил 25 декабрда топширилди.
Босишга 2012 йил 16 январда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $^1/_8$. "Times New Roman" гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозига босилди.
4 шарт. б.т. 3,2 ҳисоб. нашр. т.
Адади 400 нусха. 05-сон буюртма.

"Муҳаррир" нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
1000060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



Музаффар Наимов 1962 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган. М.Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясини тугатган. 2000 йилда "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Унинг "СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ" I-II-III, "ҚАЛБ НАВОЛАРИ", "АЗИЗ УСТОЗЛАР ҳақидаги қўшиқлар тўплами", "МЕТАР НАВОЛАРИ", "ҚАДИМ СУРХОН НАВОЛАРИ", "СУРХОНДАРЁ ИЖОДКОРЛАРИ I", Г.Саид-маликов билан ҳамкорликда "КЎНГИЛ БИР НАВО ИСТАР" китоблари, бир неча услубий қўлланмалари ва илмий мақолалари нашр этилган. Ҳозирда "ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ" мавзусида илмий иш олиб бормоқда ҳамда Термиз давлат университетида "мусиқа таълими" кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

ISBN 978-9943-25-012-3